

**М. Пулатова,
мустақил изланувчи, ГМИ**

ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

В данной статье отражена доля лёгкой промышленности в промышленной сфере, изучена их социально-экономическое значение в экономике Узбекистана. Обоснованы значения данного направления в формировании новых рабочих мест. Также проведён анализ свойственных поступлений и целевого использования финансовых средств предприятий лёгкой промышленности.

The article highlights the share of light industry in the industrial sector, to examine their socio-economic importance in the economy of Uzbekistan. Substantiates the value of this area in the formation of new jobs. The analysis is also inherent in revenues and targeted use of enterprises' funds of light industry.

Калитли сўзлар: *енгил саноат, молиявий тушумлар, молиявий харажатлар, операцион харажатлар, янги иш ўринлари, инвестиция харажатлари, рақобат муҳити, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, пахта толаси, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот.*

Мамлакатимизда саноатнинг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунга келиб, уларнинг барчаси миллий иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиши билан бирга, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматлари билан яқин ва қолаверса узоқ хорижий мамлакатларда рақобатбардош бўлиб бормоқда. Саноат тармоқлари ичида енгил саноат муҳим аҳамият касб этади, чунки у пахта, ипакчилик, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик, чарм ва пойафзал ишлаб чиқариш фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ва қолаверса айрим ҳолларда назорат қилувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Енгил саноат тармоғи мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кескин ривожланиш имкониятига эга бўлди. Тасдиғи сифатида шуни айтиш жоизки, собиқ иттифоқ даврида етиштириладиган пахта толасининг қарийб 92,0 фоизи бошқа давлатларга иттифоқ номидан экспорт қилинар, қолган 8,0 фоиз пахта толаси ҳам фақат ярим тайёр калава ип, газмол-матто маҳсулотлари сифатида қайта ишланар эди. Мустақиллик шарофати ила бугунги кунга келиб, республика енгил саноат тармоқларида турли мулкчилик шаклига асосланган минглаб корхоналар фаолият юритмоқда, шунингдек, етиштиралаётган пахта толасини қарийб 40 фоиздан ортиғи миллий иқтисодиёт корхоналарида тайёр маҳсулот сифатида қайта ишланмоқда. Уларда қарийб 146 минг меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами иш билан таъминланган бўлиб, бу кўрсаткич умумсаноатда банд бўлганларнинг 21,5 фоизини ташкил этади[1].

Маълумотлардан кўришиб турибдики, енгил саноат тармоғи умумсаноат тармоғида етакчи ўринлардан бир эканлиги намоён бўлмоқда. Ушбу тармоқнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги нуфузи юқори

эканлигини эътироф этган ҳолда мухтарам Президентимиз И. А. Каримов ўз чиқишларидан бирида шундай фикрларни қайд этган эди: “Маълумки, Ўзбекистон жаҳон бозорида хомашё ресурсларининг, масалан, пахта ва бошқа турдаги хомашёларнинг нархи кескин тушиб кетган ҳолатларни кўп маротаба бошидан кечирган. Шу билан бирга, тўқимачилик ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ана шу пахта хомашёсини янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш, бўялган ип-калава, трикотаж полотноси ва матолар каби тайёр маҳсулотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш, кейинчалик, замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш асосида, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда улкан самарага эриша оламиз”[2].

Ушбу иқтибосдан маълумки, биз учун енгил саноатда эришган ютуқларимиз ҳали чегара эмас, балки бу соҳани янада ривожлантириш ва кучайтирилиши лозим.

Шунга қарамай енгил саноат тармоғида ҳозирги кун ҳолатини ўрганиб, таҳлил қиладиган бўлсак у қуйидаги мазмунни касб этмоқда. Хусусан, енгил саноат тармоғи ва унинг таркибидаги хўжалик субъектлари мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга муҳим ҳисса қўшадиган тармоқлардан бири ҳисобланмоқда. Маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, жами саноат маҳсулотлари қатор йиллар мобайнида ишлаб чиқариш таркибининг 12-13 фоизи айнан енгил саноат ҳиссасига тўғри келмоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби динамикаси (фоизда)

Саноат тармоқлари	2009	2010	2011	2012	2013
Саноат жами.	100	100	100	100	100
Шундан:					
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>
Электрэнергетика	8,7	8,1	7,9	7,7	7,1
Ёқилғи	21,3	19,8	17,3	18,0	15,0
Қора металлургия	2,4	2,4	2,6	2,6	2,3
Рангли металлургия	11,5	10,9	10,4	10,0	9,6
Кимё	4,7	5,1	5,7	5,5	5,4
Машинасозлик	16,3	16,1	16,2	17,5	18,8
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш	1,1	1,0	1,2	1,3	1,4
Қурилиш материаллари	5,0	4,9	5,3	5,5	6,5
Енгил саноат	12,1	13,3	13,4	12,9	13,2
Озиқ-овқат	11,4	12,8	14,1	13,2	15,7
Бошқа тармоқлар	5,5	5,6	5,9	5,8	5,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1-жадвал маълумотларидан маълумки, саноат тармоғининг таркиби ҳисобланган ёқилғи саноатида 2009 йилда 21,3 фоизни ташкил этган бўлса 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 15,0 фоизга тушди. Озиқ-овқат саноатида бу кўрсаткичнинг акси намоён бўлган. Яъни, мос равишда 11,4 фоиздан 15,7 фоизга кўтарилган. Аммо енгил саноат улушида кескин тебраниш бўлмасдан, мўтадил қарор топганлигини кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш шароитида республика саноатининг ушбу тармоғи юқори экспорт салоҳиятига эга бўлиб, унда халқимиз эҳтиёжларини максимал даражада қондириш учун муҳим бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарилмоқда ҳамда меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли қатламини иш билан таъминлашга замин яратилмоқда.

Бизнингча, енгил саноатдаги таркибий ўзгаришлар ишлаб чиқаришни янги замонавий технологиялар билан таъминлаш ва улар ёрдамида истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш, маҳсулот сифатини ошириш билан бирга, жаҳон бозоридаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва пировардида мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб, янги соҳаларни барпо этиш каби муҳим масалаларга қаратилмоғи лозим.

Таҳлилларда кўрсатилишича, енгил саноат таркибида тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишда ҳудудий жойлашувга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки, енгил саноат корхоналарини мақсадли жойлаштириш натижасида:

биринчидан, марказдан анча олисда жойлашган жойларда ҳам янги иш ўринлари яратилади, иш билан бандлик даражаси яхшиланади;

иккинчидан, рақобатбардош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан олинган даромад шу ҳудуднинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошишига қулай имконият туғдиради.

Бугунги кунда ҳукумат томонидан экспортни диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, енгил саноат корхоналари таркибини қайта ташкил этишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш лозим. Чунки, бу йўналиш орқали нафақат қўшимча янги иш жойлари ташкил этилади, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаши учун ҳам катта имкониятлар яратилади. Бу эса мамлакатимизга эркин алмаштириладиган валюта тушумлари келиб тушишини янада кенгайтиради.

Амалий таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Хоразм ва бошқа вилоятларда енгил саноат соҳасида кўплаб қўшма ва хорижий, маҳаллий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда ишлаб чиқариш технологияларининг юқори даражадалиги, ахборот технологияларидан самарали фойдаланилиши, ҳамкорлик стратегиялари ишлаб чиқилганлиги, менежментнинг самарали йўлга қўйилганлиги, кадрлар салоҳияти ва маҳсулот сифати юқорилиги, хомашё таъминоти ва тайёр маҳсулотларни сотиш тизими яхши йўлга қўйилганлиги ижобий ҳисобланади.

Аммо шуни алоҳида қайд этиш жоизки, баъзи қўшма ва хорижий корхоналарда айрим муаммолар ҳам кўзга ташланади. Масалан, маҳаллий ходимлар билан хорижликлар ўртасида тажриба борасида айрим тафовутлар мавжудлиги, тайёр маҳсулотни сотиш борасида муаммолар, маҳсулот сотишдан тушган тушум таркибида иш ҳақи харажатлари улушининг пастлиги, инсон ресурслари менежменти ва билимлар менежменти тизими самарали амал қилмаслиги, бренд менежмент тизими яхши йўлга қўйилмаганли нисбатан намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жаҳон тажрибасига биноан турли мулкчилик шакллари асосланган энгил саноат корхоналарида қуйидаги қулай имкониятлар мавжуд яъни:

- жаҳон бозорларига чиқиш имкониятлари вужудга келганлиги;
- энгил саноат ва чарм-пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилганлиги;
- Ўзбекистонда пахта хомашёси экспортини камайтириб, тайёр маҳсулотлар экспортини ошириб бориш стратегияси қўлланилаётганлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган қулай имкониятлар янада кенгайтириш учун энгил саноат корхоналарини молиявий фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш билан бирга, таҳлил қилишга уриниб кўрамиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Энгил саноат тармоғини иқтисодий ва молиявий фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот ҳажми, млрд.сўм	3436,0	4593,1	5640,7	6566,6	8469,3
Маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати, базис йилига нисбатан фоизда	105,5	117,9	104,0	112,9	111,9
Ўртача рўйхатдаги ишловчилар сони, киши	125,6	138,0	143,4	142,0	145,9
Солиқ тўлагунга қадар олинган фойда, млрд. сўм(ёки зарар)	38,3	82,6	35,4	31,6	131,0
Маҳсулотнинг рентабеллиги даражаси, фоизда	13,5	15,3	12,9	14,9	15,4
Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм	170,6	391,0	637,6	670,3	775,1
Саноат ишлаб чиқариш фондлари салмоғи, фоиз	8,8	8,4	7,3	7,1	6,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энгил саноат тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб борди. 2009 йилда 3436,0 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 8469,3 млрд. сўмни ташкил этган. Маҳсулот рентабеллик даражаси 2013 йилга келиб, 15,4 фоизни ташкил этган. Бу эса 2009 йилга нисбатан 1,14 фоиз ўсганлигини билдиради. Асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори 2009 йилда 170,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 4,5 барабарга ўсиб, 775,1 млрд. сўмни ташкил этганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Саноат ишлаб чиқаришида фондлар салмоғи 2009 йилда 8,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2013 йилда 6,5 фоизни ташкил этган.

Энгил саноат тармоғини молиявий ресурсларнинг тушумлари ва мос равишдаги харажатларини ўрганиш ва таҳлил этиш орқали ҳам тармоқдаги

иқтисодий ҳолатга реал баҳо бериш имконияти туғилишини эътиборга олиб, галдаги вазифа тармоққа жалб этилган молиявий маблағларни таҳлил қилиб чиқишга қаратилади (3- жадвалга қаранг).

3-жадвал

Енгил саноат тармоғига жалб этилган молиявий тушумлари тузилмаси (фоизда)

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013
I	2	3	4	5	6
Жалб этилган пул тушумлари – жами	100	100	100	100	100
Шу жумладан:					
- Операцион фаолиятдан	94,5	94,0	94,1	96,5	92,9
Шунингдек:					
Маҳсулот сотишдан олинган тушум	91,4	90,1	89,7	76,6	90,8
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари	3,1	3,9	4,5	20,0	2,1
- Инвестицион фаолиятдан	0,7	1,3	0,6	0,3	1,7
- Молиявий фаолиятдан	4,8	4,7	5,3	3,2	5,4
Шунингдек:					
Кредит ва қарзлар бўйича тушумлар	3,2	3,0	4,0	2,7	4,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқорида қайд этилган 3- жадвалда енгил саноат тармоғига жалб этилган молиявий тушумлари тузилмаси акс эттирилган бўлиб, унга кўра 2009 йилда операцион фаолиятдан жалб этилган пул тушумлари 94,5 фоизни ташкил этган бўлса, инвестицион фаолиятдан жалб этилган пул тушумлари 0,7 фоизни, молиявий фаолиятдан жалб этилган молиявий тушумлари эса 3,2 фоизни ташкил этган. 2013 йилга келиб, операцион фаолиятдан жалб этилган молиявий тушумлари 92,9 фоизни ташкил этган бўлса, инвестицион фаолиятдан жалб этилган пул тушумлари 1,7 фоизни, молиявий фаолиятдан жалб этилган пул тушумлари эса 5,4 фоизни ташкил этган. Зеро инвестицион фаолиятда тушаётган молиявий тушум йиллар мобайнида ошган бўлса-да, лекин истиқболда бу улушни кўпайтириш чора-тадбирларини кўрмоқ мақсадга мувофиқ.

Аввал қайд этиб ўтганимиздек, эндиги вазифа енгил саноат тармоғида молиявий маблағларни харажат қилиш йўналишларини ўрганиб таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Молиявий ресурсларнинг харажат йўналишлари ранг-баранг ва хилма-хил бўлишига қарамай, уларни имкон қадар гуруҳлаш орқали ўрганиб чиқамиз (4- жадвалга қаранг).

4-жадвал маълумотларига кўра шу нарса намоён бўлмоқдаки, енгил саноат тармоғида операцион фаолиятга сарфланган пул маблағлари 2009 йилда 87,0 фоизни ташкил этган бўлиб, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 5,2 фоизга камайиб, 82,5 фоизни ташкил этган. Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари 2009 йилда 4,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 6,2 фоизга етган.

**Енгил саноат тармоғида пул маблағлари сарфланишининг таркиби
(фоизда)**

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>
Сарфланган пул маблағлар – жами	100	100	100	100	100
Шу жумладан:					
- Операцион фаолиятга	87,0	82,7	86,3	76,3	82,5
Материал, товар иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўловлар	78,2	71,5	73,7	47,6	71,9
Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	4,5	4,7	5,8	7,6	6,2
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тўловлари	3,9	6,5	6,7	21,1	4,4
- Инвестицион фаолиятга	1,1	1,0	0,9	0,3	1,8
асосий воситаларни сотиб олиш	0,9	0,8	0,8	0,3	1,0
Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш	0,1	0,0	0,0	0,0	0,5
- Молиявий фаолиятга	4,6	4,3	5,8	15,3	6,8
Тўланган фоизлар ва дивидентлар	0,9	1,0	0,9	0,3	1,0
Кредит ва қарзлар бўйича тўловлар	2,7	2,8	3,7	14,5	4,2
Узоқ муддатли ижара бўйича тўловлар (лизинг)	0,1	0,1	0,0	0,1	0,1
- Солиққа тортиш	7,3	12,0	7,0	8,1	8,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2013 йилда инвестицион фаолиятга сарфланган пул маблағлари 1,8 фоизни, молиявий фаолиятга сарфланган пул маблағлари эса 6,8 фоизни ташкил этган.

Умуман, мухтасар қилиб хулоса чиқарадиган бўлсак, ҳудудларда ишлаб чиқилган инвестиция дастури асосида енгил саноат корхоналарига кўплаб инвестициялар жалб этилаётган экан, бу жараёнда юқоридаги омиллар ва имкониятлар ҳам инобатга олинса, енгил саноат корхоналари самарадорлиги ошиб, миллий иқтисодиёт ва саноат тармоғининг барқарорлашуви янада ортади.

Бироқ, истиқболда қуйидаги жиҳатларга ҳам эътибор қаратиладиган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан:

- енгил саноатга махсуслашган хорижий инвестицияли кўшма корхоналар ва тўлиқ хорижий инвестицияли корхоналарнинг барчасида бир хил менежмент сиёсатини олиб бориш, маҳаллий кадрлар билан хорижлик инвесторлар ўртасидаги ойлик маошларда кескин тафовутлар бўлмаслиғни таъминлаш зарур;

- енгил саноат тармоғидаги молиявий тушумлар таҳлилига биноан айтадиган бўлсак, инвестицион фаолиятдан тушум бошқа тушумларга қараганда сезиларсиз кўсаткичга эга бўлмоқда. Шу боис, истиқболда айтиш мумкин

кўрсаткич тушумларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

- республикада пахта ишлаб чиқариш ҳали-ҳамон етакчи тармоқлардан бири ҳисобланганлиги боис, кичик ҳажмдаги корхоналар кўламини кенгайтириш лозим. Ушбу ислоҳот орқали биз янги иш ўринларини яратиш кенгайтириш билан бирга, давлат бюджетига кўшимча солиқ тўловчилар миқдорини ҳам ошириш имкониятига эга бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.